



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
КАДАСТР АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ БУЙРУГИ**

**Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк обьектларига бўлган хукуқларни  
давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чикиш тартиби  
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 февралдаги 66-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги тўғрисидаги ҳамда Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ти қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 11 мартағи 4-сон қарори (рўйхат рақами 3156, 2019 йил 22 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2019 й., 17-сон, 335-модда) билан тасдиқланган Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк обьектларига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чикиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Direktor



Тошкент ш.  
2022 йил 06 июнь,  
4-2022 сон

Pulatov F. J.

Келишилди:

Қурилиш вазири



Zakirov B. I.

Тошкент ш.  
2022 йил 18 май,

Давлат солиқ құмитаси раиси



SH.D.KUDBIEV

Тошкент ш.  
2022 йил 26 май,

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси  
хузуридаги Кадастр агентлиги директорининг  
2022 йил 6 июндаги 4-2022-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларни  
давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиши тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“рўйхатдан ўтказувчи – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатаси (бундан буён матнда Давлат кадастрлари палатаси деб юритилади) ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (бундан буён матнда худудий бошқарма деб юритилади) раҳбарлари томонидан тайинланадиган масъул шахслар.”;

2. 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Манфаатдор шахсларнинг кўчмас мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юзасидан мурожаатлари Давлат кадастрлари палатаси ва унинг худудий бошқармалари қошидаги доимий равиша фаолият юритадиган комиссиялар (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) томонидан кўриб чиқилади.”.

3. 5-банд “Комиссия” деган сўздан кейин “тегишлилигига кўра Давлат кадастрлари палатаси раиси ва” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Комиссия таркиби тегишлилигига кўра Давлат кадастрлари палатаси, унинг худудий бошқармаси, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси масъул ходимлари орасидан шакллантирилади.”.

5. 8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Тегишлилигига кўра Давлат кадастрлари палатаси раиси ва унинг худудий бошқармаси раҳбари комиссия раиси ҳисобланади.”.

6. 24-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“24. Комиссия такдим этилган мурожаатни манфаатдор шахс ёки унинг қонуний вакили иштирокида кўриб чиқади.”.

7. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.